

Юлдуз Курбонова

БУ ҲАЁТ


Қарши
«Насаф» нашриёти
2009

84(52)6 Үзб. тираж.

Биз яшаб турган дунё, теварак-атрофимизни қуршаб турган олам сир-синоатга, мўъжизаларга тўла. Уни ўзимизча мушоҳада этамиз.

Умидли қаламкаш Юлдуз Қурбонова шеърларида унинг ҳаёт ҳақидаги фикрлари ўз тажассумини толган.

FD 35515
091



К $\frac{4702620202-39}{376(05)2009}$ 39- 2009



Ю.Қурбонова, 2009 й.

ISBN 978-9943-359-15-4



ЎЗБЕКИСТОНИМ

Бошланади сендан остона,
Бошланади сендан илк қадам.
Мен учун ягона бошпана
Ватаним ўзингсан, Ўзбекистоним.

Юксалмоқда кундан-кунга камолинг,
Кўкка бўй чўзади пахта хирмонинг.
Сендан аямайди қуёш нурларин,
Меҳнатсевар юртим, Ўзбекистоним.

Ҳар ўсган гиёҳда сени кўраман,
Яёв кезган кўчаларим кўраман.
Дуогўй, меҳрибон халқим кўраман,
Жонажон ўзбегим - Ўзбекистоним.

Шавкатим ўзингсан, шуҳратим ўзинг,
Мадҳингни куйлайман, кўксимда қўлим.
Сенга ашъор битди шу Юлдуз қизинг,
Шеърятга ошно халқим, Ўзбекистоним.



Зулфия хотирасига

Ҳамон эътиқодим ҳақиқат, ҳақдир,
Қалбингиз сўзлаган такрор ва такрор.
Шеърият осмонида тенгингиз йўқдир,
Доимо йўлдошдир сиз билан баҳор.

Саҳарни дўст билиб, шабнамни сирдош,
Қалам-ла кездингиз узоқ йўлларни.
Метин ирода-ла бердингиз бардош,
Шеърингиз мунаввар этди дилларни.

Бугун исмингиз ҳам эл ардоғида,
Шод этмоқ истаймиз пок руҳингизни.
Ташаккур айтамиз шеър адоғида,
Руҳингиз қўлласин ёш қизингизни.





ЯШАЙВЕРАМАН

Кўз ёшларим оқса сел бўлиб,
Туйғуларим этса-да сархуш.
Вужудимда қолмаса мажол,
Умид бўлиб ёнар бир илинж,
Мен сени соғиниб яшайвераман.

Зулмат гирдобида топмасам йўлим,
Тунлар тонгларимга бермаса қуёш.
Дардимни енгишга етади кучим,
Фақат сен қалбимга бўлолсанг сирдош.
Мен сени соғиниб яшайвераман.

Чексиздир Тангримнинг эҳсони,
Чексиздир самода юлдузлар сони,
Чексиздир дилдаги ишқим тугёни,
Оҳимни кўнглингга тўшайвераман,
Мен сени соғиниб яшайвераман.





ҚИСМАТ ЙЎРИҒИ

Шамолларга қарши парвоз этса қуш,
Тақдирин ўзгартириш истаса инсон.
Гулга эмас, тиканга қўнса капалак,
Қисмат йўриғини ўзгартиролмас.

Қуёш ёғдусини тараса тунда,
Сахро ўртасида тўлқинланса сув.
Уммон қумларида сузса ҳам балиқ,
Қисмат йўриғини ўзгартиролмас.

Тун ўтар, кун ўтар мисли чархпалак,
Пешонангга битилганин берар галма-гал.
Охират жазосидан қўрққил, эй инсон,
Савоб қил ўзингни қутқармоқ учун.





АЙРИЛИҚНИ БЕРМАНГ...

Айрилиқни берманг тоғларга,
Парчаланиб кетар тошлари.
Айрилиқни берманг боғларга,
Ўтин бўлиб ёнар шохлари.

Айрилиқни берманг денгизга,
Соҳилини ювиб кетади.
Айрилиқни берманг саҳрога,
Қумларини ёйиб кетади.

Айрилиқни биз инсонларга,
Эгиз қилиб яратган Оллоҳ.
Қору ёмғир бўлиб ёғса ҳам,
Инсон боши тик турар, эй воҳ.



ЮРАГИМ

Кемтик юрагимга кулоқ тутаман,
Мендан хафа бўлиб секин уради.
Денгиз тўлқинига тўя олмаган-
Соҳилдаги қоядек ёлғиз туради.

Юрагим, сен менга кулоғингни тут,
Ютиш, ютқазिशлар майдони дунё.
Кўз ёшинг оқизма, сен ичингга ют,
Кемтиклигинг бутундек кўринсин гўё.

Юрагим, тўхтама, ҳатто тезлашма,
Рухим фақат сени дўст деб билади.
Зулмат қаърида ҳам ёлғизмасманда,
Вужудим ва рухим суҳбат қуради.





ШУНДАЙ ИНСОНЛАР БОР

Шундай инсонлар бор, қилсанг яхшилик,
Кўзларини юмиб ўтиб кетарлар.
Шундай инсонлар бор, ёпсангда сирин.
Тухмат тошин отиб, янчиб ўтарлар.

Шундай инсонлар бор, қалбинг кўзининг,
Сиёҳини босиб тўкиб кетарлар.
Шундай инсонлар бор, қанча аясанг,
Шунча бошингдан қум сочиб ўтарлар.

Бундай инсонларга боққан бало бор,
Тавба қилишга ҳам онги етмайди.
Бундай инсонларга дунё доим тор,
Бахтни ҳайдасанг ҳам унга кетмайди.

Бундай инсонлардан узоқ юр, қалбим,
Чунки улар ҳеч ҳам қадринг билмайди.
Бундай инсонлардан ҳеч иззат кутмам,
Беҳурмат қилишни қанда қилмайди.





ОПА-СИНГИЛЛАР

Опалар дарёдир, сингиллар қирғоқ,
Опалар заминдир, сингиллар само.
Кўкдаги моҳ опа, сингиллар қуёш,
Опалар кўз бўлса, сингиллар кўз ёш.



Беҳуда ранжимас бири-биридан,
Табаррук тутишар юксак риштани.
Боҳабар бўлади ғаму сиридан,
Улар эслатишар нақ фариштани.

КУТИШ

Қуёш бош қўяди, оқшом чўқади,
Маънос термулади самодан ой ҳам.
Ҳижрон кўчасидан унсиз ўтасиз,
Ўзингизга йиғини ошно этасиз.

Аммо вақт подшодир ва олий ҳакам,
Бир кун кўксингизга офтоб тегади.
Боғингизга умид ниҳолин эксам,
Ўшанда азоблар бошин эгади.

Ўшанда эркалар насимлар сизни,
Ёмғирлар дардингиз ювиб кетади.
Тик тутинг бошингиз эгмасдан сира,
Сиз кутган бахтли дам албат келади.





КУЗ



Ер юзини хазон қоплаши,
Булутлар ёш тўкиб бағрим тирнаши,
Бефарзанд тераклар унсиз йиғлаши,
Сенинг келганингдан дарак, кузойим.
Сукунатни бузган, титраган барглар,
Йиғлатар кимнингдир бағрин эзгилаб.
Мен бусиз ақлимни сочарман сувга,
Дарё суви, олиб кет андуҳларимни,
Олиб кет, қайтмасин унсиз йиғлашлар.

ҚАЙТОЛМАЙМАН

Ойдек бўлиб кетиб қолдим,
Ёлғонлардан ёмон толдим.
Сенинг оташ нигоҳингни,
Қаердан ҳам кўриб қолдим.

Кўз ёшларим йиғлар бу кун,
Чоғ бағримни эзиб-эзиб.
Кетиб қолдим йироқларга,
Юрагимда унсиз нидо.

Икки дунё хайр энди,
Лек ўзингга айтолмайман.
Ўртада бор ҳижрон энди,
Истасам ҳам қайтолмайман.



ЯШИЛЛИКНИ КЎРАВЕРАСИЗ



Шафтолизор боғларга боқинг,
Хатто қиру тоғларга боқинг.
Боқинг денгиз, уммон тубига,
Яшилликни кўраверасиз.

Ўлкам узра тўрт фасл кезса,
Баҳор яшилликни уйғотар.
Ёз-у кузда қилади мазза,
Қишда сармаст уйқуга ботар.

Ўзбекистон - ям-яшил диёр,
Байроғимда таърифи бисёр.
Миллатимиз бу рангни севар,
Бу ранг учун деҳқон курашар.



Улуғ юртим севаверасиз,
Яшилликни кўраверасиз.

ХАЁТ

Чачвонини ёйиб кетса тун,
Сезасан умрингнинг ўтганин бир кун.
Ҳисоблаб чиқсам қилган юмушинг,
Виждонинг олдида тўлаш учун хун.

Турмуш сўқмоқлари аччиқ ва ширин,
Беш кунлик дунёни билмайсан сириин.
Кўлинг чўзсанг ойга етгудек,
Аммо дунё кенгдир, минг-минг чақирим.

Кенг ўйлайсану, гоҳо одамга,
Торлик қилиб сиғмай қолар оламга.
Тўғри йўлни тутмай юрсанг эGRIDAN,
Қалбинг тўлиб қолар дарду-аламга.





АММА ВА ХОЛА

Товуқ мучали йили,
Икки жиянли бўлдим.
Икки қизга бир йўла,
Амма ва хола бўлдим.

Акамнинг қизин исмин,
Машхура деб қўйишди.
Опамнинг қизчасини,
Севара деб қўйишди.

Машхура ва Севара,
Бу йил уч ёшга тўлди.
Ҳозир улар амма-ю,
Хола дейдиган бўлди.

Иккови бирга бўлса,
Хола-хола ўйнайди.
Ўзлари гўдак хали,
Чақалоқ деб йиғлайди.

Бола севар ўзбегим,
Уйинг гўдакка тўлсин.
Амма ва хола бўлиш,
Ҳаммага насиб бўлсин.



КАПАЛАК ВА АКОБИР

Амма, нега капалак,
Келиб қўнмас қўлимга.
Капалак қувлаб чарчаб,
Туриб олар йўлимга.

Амма, нега капалак,
Гулни яхши кўради.
Синглим ва мени эса,
Жуда ёмон кўради.


Ушламоқчи бўлсак биз,
Дарров учиб кетади.
Ҳайронман, унга боқиб,
Буни кимдир айтади.

Унинг борми онаси?
Савол бериб чарчамас.
Акобиржон, бас, эшит,
Демагунча тўхтамас.

Унинг бордир онаси,
Машхурадир синглиси.
Ёмон кўрмас сизларни,
Келар кўп ўйнагиси.

Капалаклар аслида,
Бир кун умр кўради.
Гулдан-гулга шунинг учун,
Ўйнаб учиб юради.

Озор берма уларга,
Майли қўлга қўнамсин.
Гўзал ҳаёт завқини,
Гулдан топсин, ўйнасин.



МУНДАРИЖА

Ўзбекистон.....	3
«Ҳамон эътиқодим ...»	4
Яшайвераман.....	5
Қисмат йўриғи.....	6
Айрилиқни берманг.....	7
Юрагим.....	8
Шундай инсонлар бор.....	9
Опа-сингиллар.....	10
Кутиш.....	10
Куз.....	11
Қайтолмайман.....	11
Яшилликни кўраверасиз.....	12
Ҳаёт.....	12
Амма ва хола.....	13
Капалак ва Ақобир.....	14

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

Юлдуз Курбонова

БУ ҲАЁТ

Шеърлар

Мухаррир: 3. Омонова.
Техник муҳаррир: 4. Раҳмонов.
Мусахҳиҳ: 3. Очилова.
Бадиий безакчи: Ш. Холмуродова.

ИБ 1264

Теришга 12.05.2009 йилда берилди. Босишга 18.05.2009 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Шартли босма табоғи 0,84. Шартли бўёқ-оттиск 0,90. Нашр босма табоғи 0,45. 50- 2009-шартнома. 20- буюртма. 200 нусхада. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти, 180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси «Матбаа» цехида чоп этилди.

180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.